

Хурайрадан қилинган қуийдаги ривоятда ўз ифодасини топган:

«Ҳар бир кишининг жаннатда ва дўзахда ўрни бордир. Мўмин жаннатга кирса, унинг дўзахдаги ўрнига кофир киради. Чунки кофир куфри билан ўша ерга мустаҳиқдир».

Ҳадисдаги «**Дўзахдан нажотингдир**» сўзининг маъноси - «Сен дўзахга киришга дучор бўлиб турган эдинг. Бу дўзахдан нажотингдир. Чунки Аллоҳ таоло дўзахни тўлдириш учун бир қанча миқдорни тайин қилган. Кофирлар гуноҳ ва куфрлари сабабли дўзахга киришса, гўёки мусулмонлар ўрнига дўзахдан нажот топиб киришган бўлади». Валлоҳу аълам.

Манба: hadis.islom.uz

